

Иш учун патентнинг тайёрлиги ва ҳақиқий эканлигини Сиз Россия Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармасининг Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти муҳожирлик масалалари бўйича бошқармаси расмий сайтидан: www.78.mvd.pf/ms билиб олишингиз мумкин

Иш учун патент тўлови

Навбатдаги ҳар бир ой учун 3800 рубл ҳажмидаги НДСЛ-ни тўлашда патент тўланган ҳар бир ой учун автоматик тарзда узайтирилади. Тўлов вақтида амалга оширилмаган ҳолатда патентнинг амал қилиши тўхтатилади.

Ойларни ҳисоблаш ишлаш учун патент олинган ҳужжатда кўрсатилган муддатдан бошланади. Тўлов тўланган ҳар бир иш ойининг тугашига камида 1 кун қолганда амалга оширилади.

Ишлаш учун патент тўловини ишга патент олинган муддатдан бошлаб 12 ой муддатга амалга ошириш мумкин.



Тўловни тасдиқлайдиган чекни албатта ўзингиз сақлаб қўйинг.

Патентни олганингиздан сўнг 2 ой мобайнида Сиз Россия Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармасининг муҳожирлик масалалари бўйича бошқармасига иш берувчи – ҳуқуқий шахс ё хусусий тадбиркор билан тузилган меҳнат шартномаси нусхасини жўнатишингиз зарур.

Патент унинг амал қилиш муддати давомида Санкт-Петербургда туриш ва патентда кўрсатилган ихтисос бўйича ишлаш ҳуқуқини беради. Патентда кўрсатилган муддат тугагач, РФ дан чиқиб кетиш зарур.

Ишлаш учун патентга олдиндан солиқ тўловларини тўлаш муҳожирлик қайдани узайтириш зарурлигини бекор қила олмайди! Ўзингизнинг қайддан ўтиш муддатингизни ишлаш учун патент тўлови асосида ва мобайнида узайтиришни унутманг!

Шунингдек, Сиз ишлаш учун патентни қайта расмийлаштирингиз мумкин. Бунинг учун унинг амал қилиш муддати тугашига камида 10 иш куни қолганда кечикмасдан ариза топшириш зарур. Бунинг учун патентни узайтиришга оид ариза билан Россия Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармасининг Муҳожирлик масалалари бўйича бошқармасига мурожаат этиш зарур.



Иш учун патентни фақат 1 марта ва 12 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтириш мумкин.

Патент йўқолса ё у яроқсиз ҳолатга келса, Сиз Россия Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармасининг Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти муҳожирлик масалалари бўйича бошқармаси бўлимига патент дубликатини бериш ҳақидаги ариза билан мурожаат этишингиз мумкин.

Аризага қуйидагилар илова қилиниши зарур:

- паспорт ва паспорт нусхаси;
- муҳожирлик картаси ва унинг нусхаси;
- патент тўланганлиги ҳақидаги ҳужжатлар (чеклар ёки тўлов квитанциялари).

МУҲИМ АЛОҚАЛАР:

Россия Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармасининг Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти муҳожирлик масалалари бўйича бошқармаси

www.78.mvd.pf/ms

Тел: 8 (812) 573-37-22, 8 (812) 573-30-02

- **меҳнат муҳожирлиги масалалари бўйича бўлим** (ошкора меҳнатга жойлаштириш ва ҳужжатларни расмийлаштириш масалалари): Санкт-Петербург, Красный Текстильщик кўчаси, 15-уй
Тел.: 8 (812) 318-06-38

ФГУП «Паспортно-визовый сервис МВД России»

191124, Санкт-Петербург, Красный Текстильщик кўчаси, 15-уй, А- қисми

Тел. 8 (812) 318- 01-22

<http://spb.pvsmvd.ru>

Давлат хизматлари кўрсатиш кўпвазифали марказлари (МФЦ)

МФЦ нинг ягона маълумот хизмати:

8 (812) 573-90-00

Санкт-Петербургдаги МФЦ рўйхати: <https://gu.spb.ru/mfc/>

ФГУП «Почта России»

www.pochta.ru

Қувватлов хизмати: 8-800-2005-888

Фойдали АХБОРОТ МАНБАЛАРИ

migrussia.ru – «Мигранты и миграция. Межрегиональный информационный портал» – мослашиш ва ҳуқуқий қўллов, фойдали алоқалар.

migrantinfo.kmormp.gov.spb.ru – «Добро пожаловать в Санкт-Петербург!» – Санкт-Петербург Ҳукуматининг муҳожирлар учун интернет-ресурси.

«МигрАзия+» - меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оилалари – Евроосиё иқтисодий иттифоқи ва МДҲ (Android учун) фуқаролари учун мобил илова.

Буклет «Миграционный учет и получение патента на работу в Санкт-Петербурге» (на узбекском языке)

Разработан БФ «ПСП-фонд»

Автор-составитель: Якимов А.Н.



БФ «ПСП-ФОНД»

**САНКТ-ПЕТЕРБУРГГА
ХУШ КЕЛИБСИЗ!**



**САНКТ-ПЕТЕРБУРГДА
МУҲОЖИРЛИКНИ ҚАЙДГА
ОЛИШ ВА ИШ
УЧУН ПАТЕНТ ОЛИШ**

МЕҲНАТ МУҲОЖИРИГА ЁРДАМ

2018
2019

МУҲОЖИРЛИККА ҚЎЙИШ ТАРТИБИ

Агар сиз чет эл фуқароси бўлиб, Россияга келган бўлсангиз, Сиз келган жойингизда **7 иш кuni давомида муҳожирлик ҳисобига туришингиз** (қайддан ўтишингиз) зарур.

Айрим давлатлар фуқаролари учун бошқа муддатлар амал қилади:

- ЕОИҲ – Евроосиё иқтисодий иттифоқига кирувчи мамлакатлар (Арманистон, Беларус, Қозоғистон ва Қирғизистон) фуқаролари учун) – **30 кун**;
- Тожикистон фуқаролари учун – **15 кун**.

Қайддан ўтиш (муҳожирлик ҳисобида туриш) Сиз яшайдиган ва ишлайдиган минтақада бўлиши зарур. Сиз яшайдиган турар-жойда ёки иш берувчи яшаш учун ажратадиган бинода қайддан ўтилади.

Муҳожирлик қайдидан амалда яшайдиган жойингиздан ўтиш зарур, йўқса, Сизни муҳожирлик тартибини бузганлик учун жавобгарликка тортишлари ва жарима солишлари мумкин!

Сизга қуйидаги ҳужжатлар зарур:

- паспорт;
- паспорт нусхаси (биринчи саҳифа ва чегадан ўтиш қайдлари мавжуд саҳифа);
- муҳожирлик картаси;
- муҳожирлик картаси нусхаси.

Муҳожирлик қайдидан қандай ўтилади:

1) Чет эллик фуқаронинг келган жойига келиб етганлиги борасида маълумотнома-билдирув **тўлдирилади**. Уни қуйидаги нишондан топиб олиш мумкин: 78.mvd.pf/ms

Маълумотнома-билдирув бепул берилади:

- **Россия Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармаси Муҳожирликка оид бошқармасининг Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти** ҳудудий бўлимларида;
- давлат хизматлари кўрсатиш кўпвазифали марказларида (**МФЦ**);
- **«Почта России» ФГУП – Федерал давлат унитар корхонаси** бўлимларида.

Билдирувнинг ҳар икки қисмида келган манзилнинг адреси, қабул қилувчи томонга оид шахсий маълумотлар ва чет эллик фуқаро ҳақидаги шахсий маълумотларни кўрсатиш зарур. Қабул қилувчи томон маълумотномага имзо қўяди. Агар у ташкилот бўлса, унинг бошлиғининг имзоси чекилади ва муҳр босилади.

2) Билдирув чет эллик фуқаро паспорти нусхаси, РФ фуқароси (қабул қилувчи томон) паспорти нусхаси ва муҳожирлик картаси нусхаси билан биргаликда «Почта Россия»

ФГУП воситасида **Россия Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармасининг Санкт-Петербург ва Ленинград вилоятининг Муҳожирлик бўйича бошқармасига юборилади**.

Билдирувни Россия Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармасининг Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти Муҳожирлик масалалари бўйича бошқармаси бўлимларига бепул жўнатиш мумкин.

МФЦ да муҳожирлик қайдидан ўтишда билдирув муҳожирлик хизматида кўпвазифалик марказ ходимлари томонидан Сизнинг иштирокингизсиз юборилади.

3) Россия Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармасининг Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти бўйича Меҳнат муҳожирлиги бошқармаси, МФЦ ёки ФГУП «Почта России» ходимларидан ҳужжатни қабул қилиб олганлик ҳақида қайд қўйилган билдирув маълумотномасининг қисмини олиш.

Агар Сиз Санкт-Петербург ва Ленинград вилоятига кириш ва бўлиш тартибини бузсангиз, Сизни 3 мингдан 7 минг рублгача жаримага тортиш хавфи туғилади ва 5 йил давомида кириш тақиқланган ҳолда Россиядан чиқариб юборишлари мумкин (Россия Федерацияси маъмурий ҳуқуқбузарлик кодекси - **КоАП**нинг 18.8 моддаси 3-қисми ва 19.27 моддаси 3-қисми).

Иш учун патент олгандан кейин муҳожирлик қайдидан патентнинг амал қилиш муддати ва тўловига мувофиқ мунтазам равишда узайтириб бориш зарур.

ИШ УЧУН ПАТЕНТНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

МДХ фуқароларига ҳуқуқий шахс (ташкилотда ёки хусусий тадбиркор кўлида) сифатида ҳам, жисмоний шахс сифатида ҳам ишлаш учун ишга патент расмийлаштириш зарур.

ЕАЭС - Евроосиё иқтисодий иттифоқи фуқароларига ишлаш учун патент расмийлаштириш шарт эмас!

Патент фақат **Россия Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармасининг Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти бошқармасининг** меҳнат муҳожирлиги масалаларига оид бўлимларида расмийлаштирилади ва у РФнинг ишга расмийлаштирилган минтақасидагина амал қилади.

Эътибор беринг: Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти – РФ нинг 2 турли минтақалари ҳисобланади!

Патент расмийлаштириш учун ҳужжатларни **РФ га киргандан кейин 30 кун мобайнида топшириш зарур**, йўқса, патент олиш муддатларини бузганлик учун 10000 дан 15000 рублгача жарима тўлашга тўғри келади. .

Фақат патентда кўрсатилган ихтисос бўйича ишлаш мумкин.

Кўрсатилмаган ихтисос бўйича иш қилинганда 4000 дан 7000 рублгача жарима тортиш мумкин.

Патентни расмийлаштириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур:

- патент бериш тўғрисида ариза (ариза қоғози ва уни тўлдириш учун намунани Россия Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармасининг муҳожирлик масалалари бўйича бошқармаси бўлимларида ёки www.78.mvd.pf/ms сайтдан бепул олиш мумкин);
- паспорт ва паспорт нусхаси;
- муҳожирлик қайдига (ҳисобга олиш) қўйилганлик ҳақидаги маълумотнома ва унинг нусхаси;
- паспортнинг нотариал хизмати томонидан тасдиқланган русча таржимаси – таржимони бор нотариал идорада қилинади;
- келиш мақсади «иш» деб кўрсатилган, кириш ҳақидаги муҳр босилган муҳожирлик картаси ва унинг нусхаси; ВИЧ-инфекцияга чалинмаганлик ҳақидаги тиббий хулоса ва сертификат – тиббий кўриқдан ўтгандан сўнг махсус тиббиёт муассасасида расмийлаштирилади; Тожикистон фуқаролари шунигдек 086 формасидаги маълумотномани топширишлари шарт.
- ихтиёрий тиббий суғурта (**ДМС**) полиси;
- рус тили, Россия тарихи ва Россия Федерацияси қонунчилиги асосларини билишини тасдиқловчи ҳужжат; Тестдан ўтишни билишга мустақил тайёрланиш мумкин, бунга «Российский тестовый консорциум» <http://testcons.ru> сайти ёрдам беради. Сиз бунда тестнинг синов вариантдан ўтишингиз ва Ўз савиянгни яхши билиб олишингиз мумкин.
- патентни 3800 рубл (НДФЛ) ҳажмида тўланганлиги ҳақидаги квитанция. Тўлов Россия Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармаси реквизитлари бўйича РФ Омонат банкининг барча бўлимларида расмийлаштирилади. Санкт-Петербургда ишга патентни расмийлаштириш бўйича ягона ташкилот **«Паспортно-визовый сервис» ФГУП** ҳисобланади. Ширкат хизматлари пулликдир. Патент учун ҳужжатларни **фақат ШАХСАН** топшириш мумкин. Патент ариза ва зарур ҳужжатлар топширилгандан кейин 10 иш кuni давомида расмийлаштирилади.